Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
18 январь
ШАНБА
№ 5 (13266)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН СЕНАТ АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг Тошкент вилоятидан Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш юзасидан қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг янги сайланган депутатлари, вилоят фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Суяржон Қурбонқулов очиб, "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар Тошкент вилоятида ҳам шаффофлик, очиқлик, демократик тамойиллар асосида, халқаро сайлов нормаларига мувофиқ ўтганини қайд этиб, вилоятда 868 та депутат сайланганини таъкидлади.

Қўшма мажлисни олиб бориш учун раисликка 22-"Назарбек" сайлов округидан вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Тошкент давлат аграр университети ректори Ботиржон Сулаймонов номзоди таклиф этилиб, бир овоздан маъқулланди.

Маслаҳат кенгаши йиғилишида кўрилган масала ва унда қабул қилинган қарор юзасидан қўшма мажлис иштирокчиларига маслаҳат кенгашининг раиси, депутат Алишер Самадов ахборот берди. Сенат аъзоларини сайлаш бўйича ўтказиладиган яширин овоз бериш сайлов бюллетенига катта амалий тажрибага эга ва обрўли 6 нафар маҳаллий кенгаш депутатининг номзоди қўшма мажлис муҳокамасига тақдим этилди.

Сенат аъзоларини сайлаш бўйича сайлов бюллетенига киритиш учун таклиф этилган номзодлар муҳокама қилинди. Муҳокама давомида депутатлар Сенат аъзолигига кўрсатилган номзодларнинг меҳнат фаолияти, ҳаёт тажрибаси, ташаббускорлиги, ташкилотчилик фазилатлари тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Очиқ овоз бериш орқали маслаҳат кенгаши томонидан тақдим этилган 6 нафар депутатнинг номзодини сайлов бюллетенига киритиш бўйича қарор қабул қилинди ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг янги сайланган депутатлари Сенат аъзоларини яширин овоз бериш йўли билан сайладилар.

Саноқ комиссияси номзодларга берилган овозлар натижасини эълон қилди. Унга кўра, қўшма мажлисда иштирок этган сайловчиларнинг кўпчилик овози билан Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази директори Қутбиддин Бурхонов, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг вилоят бўлими раиси Малика Қадирханова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низамходжаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Маҳмуджон Тоиров, вилоят ҳокими Рустам Холматов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ бошқарув раиси Абдулло Хурсановлар Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланди.

Ўз мухбиримиз
Нозимжон ИСМОИЛОВ олган сурат

Қадимдан қолган бир ривоят бор. Икки киши бир парча ерни: "Бу ер меники, бу ер меники" дея талашаётган экан. Шунда ердан садо келибди: "Асли иккованингиз ҳам меникисиз..."

МАНА ШУ ЗАМИН ЎЗИМИЗНИКИ

уни талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Шундай, бу дунёда ҳеч кимга мутлақ тегишли бўлмаган моддий ва номоддий бойликлар бор. Барчамизни боқаётган, тўйдираётган муқаддас она заминимизнинг мақоми ҳам шундай. Бинобарин, у энг аввало, халқнинг, давлатнинг мулки. Ундан оқиллик билан истаганча фойдаланиш мумкин, бироқ, ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга, талон-торож қилишга асло йўл қўйилмайди. Таъбир жоиз бўлса, бундай ўзбошимчаликни умуммиллий бойликка, демакки, халққа хиёнат билан баробар қўйиш мумкин.

Сўнгги пайтларда экин майдонлари, қишлоқ хўжалиги фойдаланувидаги ерларни ўзбошимчалик билан ўзлаштириш, ҳисобдан чиқариш ҳолатлари кузатилаётгани ташвишланарлидир. Буни ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг давлат мулкига беписанд муносабати, шахсий манфаат қулига айланиб, кўпроқ ва осон даромад топиш мақсадида амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтишга интилаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ноқонуний қурилиш қилинишига имкон яратиб бериш, ҳокимлар томонидан ер ажратиш билан боғлиқ ноқонуний қарорлар қабул қилиш, экин майдонларидан самарасиз фойдаланиш ва уларни ноқонуний муомаладан чиқариш каби қонунбузилишлар учрамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан 2-сектор раҳбарлари бошчилигида масъул идоралар ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган хатлов давомида Тошкент вилоятида ҳам бундай ҳолатлар оз эмаслиги аён бўлди.

Жумладан, вилоят бўйича 11 минг 179 та ҳолатда 1 минг 409 Га. ер майдони ноқонуний эгаллаб олингани ҳамда унинг 517 Га. қисмида 5 минг 463 та ноқонуний қурилиш қилингани аниқланди. Бундай ҳолатлар Янгийўл, Тошкент ва Қибрай туманларида бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ учрамоқда. Бундан ташқари, ер қонунчилиги талабларига зид равишда 367 та ердан фойдаланувчига ажратиб берилган 8 минг 776 Га. ер майдони учун ижара шартномалари умуман тузилмаган.

Шунингдек, ўрганишлар давомида туман ҳокимларининг ердан фойдаланишга доир амалдаги қонунчилик талабларига зид равишда қабул қилинган 51 та қарори билан 154 Га. ер майдонлари ими-жимида кимларгадир ажратиб берилган.

Масалан, Янгийўл тумани ҳокимининг қарори билан "FARMING-LEADER SAMARQAND" масъулияти чекланган жамиятига шу туманнинг Усмон Юсупов массивида жойлашган 1073-контурдан нақ 5 гектар суғориладиган ер майдони ажратилиб, унинг 4,7 гектарида иссиқхона ва қолган қисмида омборхона қуришга рухсат берилган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Давоми 3-бетда

Акс-садо

"Тошкент ҳақиқати"нинг 11 январдаги 3-сонида эълон қилинган шу сарлавҳали мақола мени бефарқ қолдирмади. Муаллиф мактаб ва коллеждаги ўқувчилик, олийгоҳдаги талабалик йилларидан қониқмай, таълим тизимидаги ҳолат ва камчиликларни, беҳуда совурилган йилларни ачиниш билан таъкидлаган. Муаллиф қайсидир маънода ҳақ.

«ҚАНОТСИЗ ҚУШЛАРНИНГ ПАРВОЗИ»

Менимча, таълимга ғарб тажрибасини киритиб, жуда катта хато қилдик. Энди назорат қила олмай ҳалакмиз. Бизда жуда чиройли тизим бор эди. Шу тизимни ҳамон қўллаганимизда ҳозирги кундаги тарбиясиз, юзсиз, бетгачопар, такасалтанг, ҳеч кимни ҳурмат қилмайдиган ўғил-қизлар бўлмасмиди?! Эҳтимол, ўқитувчиларнинг мақомини ошириш учун эҳтиёж ҳам сезмасдик. Сабаби, бундан 30 йиллар аввал ўқитувчи ота-онадан кейин 1-ўринда турарди.

Мактаб – тарбия ўчоғи, деймиз. Аммо, қани тарбия? Фақат оиласида тарбия кўрган болаларгагина бизнинг сўзимиз ўтаяпти, холос. Минг афсуски, мактаб парталарида ўтирган барча ўғил-қизларимизни ҳам тарбияли дея олмаймиз. Ачинарлиси, ўша тарбиясизларга эса ҳеч қандай чора кўролмаймиз. Қаттиқроқ гапирсак, тергасак, ўсмир ёшидаги бола ўзини бир нима қилиб қўйса, яна ўқитувчи жавобгар. Камига телефонга ёзиб олиб, ижтимоий тармоққа қўяди, ота-онаси айюҳаннос солиб келиб, ҳақорат қилади ва ҳоказо...

Фикримча, таълим тизимида ҳам ўзимизнинг ягона қонун-қоидаларимиз бўлиши керак. Фойда кўриш учун ота-онасини ҳам судга берадиган илғор давлатлар тажрибасини "ўзлаштиргандан" кўра, миллийлигимизни унутмаган ҳолда, ўқувчилар онгида эътиқод, ғурур, андиша деган туйғуларни шакллантирайлик. Токи ўғил-қизларимиз мактаб даврини елларга совурилган йилларидек хотирлашмасин.

Феруза МИРЖАЛИЛОВА,
Тошкент туманидаги
13-мактаб ўқитувчиси

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ЭКСПОРТНИНГ ЭРТАСИ БОР

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Айниқса, экспортни йўлга қўймоқчи бўлган ишбилармонларга берилаётган имконият ва имтиёзлар сабаб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорларида ўз ўрнини топмоқда.

Қувонарлиси, вилоятимизда ҳам фақат экспортга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари кўпаймоқда. Улар қаторида Қибрай туманидаги "Arge Fashion" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам ўз мавқеи бор.

Мазкур корхонада эркаклар, аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар тикилади. Бу ерда тикув цехи, бичиш, дизайн яратиш, безак ва нақш бўлимлари фаолият юритади. Ҳар бир бўлим замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу иш унумдорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу ерда тайёрланган кийим-кечакларнинг барчаси экспортга мўлжалланган. Маҳсулотлар Туркия, Россия, Италия ва Америка Қўшма Штатларига экспорт қилинмоқда. Жумладан, ўтган йили 310 минг дона товар ҳамкорларга етказиб берилди.

Давоми 2-бетда

Яна тўйлар ҳақида...

ҚАРОР БИЛАН НАТИЖАГА ЭРИШИШ МУМКИНМИ?

2-бет

Биринчи сектор фаолиятидан

Инвесторлар Пискентни танлашмоқда

Пискент туман ҳокими Шуҳрат Аҳмедов туркиялик инвесторларни қабул қилди, дея хабар беради туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

Туманда трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этиш бўйича ҳар икки томон учун фойдали учрашув дўстона руҳда ўтди.

Таъкидлаш жоизки, айни вақтда Тошкент шаҳрида туркиялик ҳамкорлар юргизаётган "SHAFAK TEKSTIL" МЧЖга қарашли корхонада 200 нафар тикувчи ишлайди. Маҳсулотлар асосан Россия Федерациясига экспорт қилинади.

Туманда ҳам трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона барпо этилса, пискентлик 300 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади.

Учрашувда туман ҳокими республикамизда хорижлик инвесторларга яратилаётган шароитлар, ишбилармонларнинг фаолияти тўғрисида сўзлади. Шунингдек, тадбиркорлар учун барча эшиклар очиқ эканлиги, ҳар қандай масала юзасидан қонун доирасида ёрдам берилишини таъкидлади.

Учрашувда инвесторлар корхона барпо этиш учун қулай бино ва иншоотлар, ер майдонлари, мавжуд шароит ва имкониятлар билан таништирилди.

ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида "Ҳоким ва ёшлар" учрашувлари ташкил этилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Юқори Чирчиқ туманидаги "Султонравот" маданият марказида ўтказилди. Унда сектор раҳбарлари, қатор ташкилотлар мутасаддилари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши аъзолари, юқори синф ўқувчилари, ёш тадбиркорлар, иқтидорли спортчилар ҳамда уюшмаган ёшлар иштирок этишди.

Давоми 2-бетда

ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Учрашувда сўз олган туман ҳокими Ускенбой Атемов ўтган давр мобайнида ёшлар ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар, иқтидорли, билимли ёшларнинг қўлга киритган ютуқлари, шунингдек, жамият ривожига тўсқинлик қилаётган зарарли иллатлар ҳақида гапирди. Бундан ташқари, ҳоким туманда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, ёшлар билан ишлаш, таълим соҳасига қаратилаётган эътибор ҳақида ҳам тўхталиб, ёшларни шиддат билан ривожланаётган замонга ҳамнафас бўлишга, ислоҳотларда фаол иштирок этиб, дахлдорлик туйғуси билан яшашга ундади.

Қайд этилишича, "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида янгидан қурилаётган Маданият саройи, Ёшлар боғида барпо этилаётган "Ёшлар маркази" туман ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, спорт, санъат йўналишларида ўзлари қизиққан тўгаракларда бемалол шуғулланишлари учун кенг имконият яратади.

Самимий ўтган тадбирда ёшлар ўзларининг келажакдаги режалари ҳақида гапириб, уларни қийнаётган муаммолар, бандлик, тадбиркорлик учун кредит ажратиш, кутубхоналар фаолиятини ривожлантириш каби масалалар юзасидан мурожаатлар қилишди. Анчагина мурожаатлар жойида қаноатлантирилди. Атрофлича ўрганишни тақозо этадиган масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли идораларга топшириқлар берилди.

Жумладан, тумандаги 25-умутаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Даврон Раҳмоналиев маҳалла қошида ҳуқуқий саводхонлик бўлимларини ташкил этиш таклифини билдирди. Мазкур таклиф маъқулланиб, адлия бўлими раҳбари Ф. Султоновга чора-тадбир жадвали асосида ҳар бир маҳаллада ҳуқуқий саводхонлик кунларини ўтказиб бориш вазифаси юклатилди.

Тадбир доирасида китоб ва меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Меҳнат ярмаркасида тумандаги ташкилот ва корхоналар ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Маълумотларга кўра, ярмаркага келган ёшларнинг 32 нафарига ишга жойлашиш, 5 тасига қайта ўқишга йўлланма берилди, 8 нафари ишга жойлашди.

– Анчадан бери иш қидираётгандим, – дейди Саодат Нуриддинова. – Бир нечта корхона ва ташкилотларга иш сўраб бордим. Лекин, ижобий натижа бўлмаётганди. Бугун меҳнат ярмаркаси бўлишини эшитиб келгандим. Ниҳоят, ўзим учун маъқул иш топдим.

Зуҳриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Бошланиши 1-бетда

ЭКСПОРТНИНГ ЭРТАСИ БОР

Корхонага кириб борганимизда қизғин иш жараёни устидан чиқдик. Кимдир тикув машинасидан бош кўтармай зийраклик билан чокларни текширар, бошқаси тайёр бўлган кийимларга безак берар, бир сўз билан айтганда, ҳамма ўз иши билан банд эди. Очиғи, уларни ишдан чалғитишга ҳам иккиланиб қолдик. Лекин, суҳбатлашмай кета олмасдик.

– Тикувчиликка қизиқишим сабабли коллежда шу йўналишда ўқидим, – дейди Ойсулув Жунисбекова. – Бу ерга ишга кирганимга 4 йил бўлди. Ишимни жуда ёқтираман. Корхонамизда барча қулайликлар яратилган. Маошимиз ҳам яхши. Муҳими, биз тикаётган кийимлар сифатли ва кўркам.

Айни кунларда корхонада 150 га яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда.

– Жаҳон бозорида мустаҳкам ўринга эга бўлиш ва ҳамкорларни кўпайтириш учун маҳсулотнинг сифати юқори бўлиши керак, – дейди корхона бош директори Арслан Савас. – Биз бу масалага жуда жиддий эътибор қаратганмиз. Шу боис, йилдан-йилга буюртмачиларимиз сони ортаяпти. Буюртма кўпайгани сари ишчи кучига талаб ортади. Яқинда Сирдарё вилоятининг чекка ҳудудида ҳам филиалимизни очдик. Натижада, иш ҳажми кўпайиб, маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, бошқа вилоятларда ҳам филиаллар очишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз фақат даромад топиш эмас, балки одамларни ишли қилиб, уларнинг фаровон яшашига ҳисса қўшишдир.

Зуҳриддин ҚАМБАРОВ

Бошланиши 1-бетда

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Жойларда ҳоким ва ёшлар учрашувлари давом этмоқда. Жумладан, Бўка тумани ҳокими Бектемир Ибрагимов, Чиноз тумани ҳокими Акмалхон Мадиев, Ангрен шаҳар ҳокими Шукурулла Маҳмудов, Оҳангарон шаҳри ҳокими Одилжон Жўраев ўз ҳудудларида ёшлар билан учрашиб, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришга ёрдамлашиш мақсадида дилдан суҳбатлашдилар.

Шунингдек, **Янгийўл** шаҳри ҳокимлиги биносида сектор раҳбарларининг ёшлар билан учрашуви ташкил этилди. Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда вилоят прокурори С. Самадов ва тегишли мутасадди раҳбарлар иштирок этишди.

Қизғин мунозара тарзида ўтган мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Ушбу мазмундаги учрашувларнинг давомийлиги бўйича келишиб олинди.

Чирчиқ шаҳар прокурори Б. Иброҳимов, Паркент тумани прокурори Д. Исмоилов ҳам ёшлар билан учрашув ўтказиб, уларни қийнаётган муаммолар билан танишдилар. Учрашувда ечимини кутаётган масалаларга ойдинлик киритилди.

Оҳангарон туманининг Ғаллақудуқ ва Қизилой ҳудудларида туман ҳокими ва прокурори ёшлар билан учрашди. Учрашувда ёшлар ўзларини қийнаб келаётган муаммо ва саволларга жавоб олишди. Кўплаб масалалар шу ернинг ўзида ечимини топди. Жумладан, ёшларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишлари ҳамда Қизилой ҳудудидаги 39-мактабда инглиз тили ўқитувчиси етишмаслиги тўғрисидаги мурожаатларидан келиб чиқиб, яқин ҳудуддаги мактаблардан ўриндошлик асосида ўқитувчилар бириктирилди.

Ўз мухбиримиз

Талаба кундалигидан

Таълим бу келажак кадрларини етказиб берувчи жараён. У ҳам тадбиркорлик. Бироқ унинг фойдасини бугун ёки эрта эмас, йиллар ўтиб кўрасиз.

ВАРИАТИВ ЎҚУВ РЕЖАСИ НИМА?

Хабарингиз бор, таълим соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мактабларнинг 11 йиллик таълим тизимига ўтиши ўқувчилар учун анча қулайликлар яратди. Сабаби, энди болалар узоқдаги коллежга бориб келиш учун куннинг ярмини кўчада ўтказишмайди. Аммо, масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Мактабда коллеж, лицейлардан фарқли ўлароқ, умумий фанлар ўтилади. Бу эса битирувчилар танлаган соҳалари бўйича олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларига чуқур тайёргарлик кўришларига тўсқинлик қилади. Аксарият ёшлар қўшимча пуллик дарсларга қатнашмасам ўқишга киролмайман деб, репетиторларга боришади.

Маълумки, умумтаълим мактабларида 2019-2020 ўқув йилининг учинчи чорагидан вариатив ўқув режаси синовдан ўтказилиши белгиланди. Унга кўра, 10-11-синф ўқувчиларини ўзлари қизиққан фанлар бўйича йўналишларга ажратиб ўқитиш режалаштирилган.

Битирувчи синфларда таълим олаётган ёшлар келажакда эгалламоқчи бўлган соҳаларини аниқ танлаб, олий таълим муассасаларига кириш учун тайёргарликни бошлашади. Вариатив ўқув режаси танланган фанларнинг чуқур ўргатилиши ва дарс соатларининг кўпайтирилиши, шунингдек, дарсликдан ташқари, ДТМ томонидан тавсия этилган қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдаланиб, имтиҳонларга юқори даражада тайёрланиш имконини беради.

Ўзим хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактабда таълим олганман. Мактабимизда табиий, аниқ фанларга қараганда чет тиллари ҳафтасига 5-6 соат чуқурлаштириб ўтилар эди. Аксарият синфдошларим репетиторга бормасдан ҳам олийгоҳга кириш имтиҳонларида чет тили бўйича юқори балл тўплашди. Улар орасида, ҳатто, хорижий таълим даргоҳларига гранд асосида қабул қилинганлари ҳам бор.

Агар мактабларда вариатив ўқув режасига асосланган таълим тизими самарали йўлга қўйилиб, гуманитар, аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича гуруҳларга ажратилиб дарслар ўтилса, ўқувчиларнинг ортиқча маблағ сарфлаб, қўшимча дарсларга боришига ҳожат қолмайди. Бундай ёндашув республикамизнинг чекка ҳудудлари ўқувчилари учун ҳам қулайлик яратади. Масалан, вилоятимизнинг чекка ҳудудларида ўқув марказлари кўп эмас. Ўқувчилар асосан билимни мактабдан олишади.

Фикримча, вариатив ўқув режаси ихтисослашган мутахассислар етишиб чиқишига замин яратади.

Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА,
ЎзЖОКУ иккинчи босқич талабаси

ХИЗМАТ УЙЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг ички ишлар идоралари ходимларига бир қатор қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибори куни кеча Ангренда ўз аксини топди.

Эътибор

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан шаҳар Ички ишлар бошқармасида хизмат қилаётган ходимлардан бир гуруҳига хизмат уйининг калитлари тантанали топширилди.

Дукент қўрғони, Улуғбек номли маҳалла, 14-даҳадаги тўрт қаватли, 24 та икки ва уч хонали хонадондан иборат, қурилиши тугалланмай, кўп йиллардан буён бўш ётган 11-уй қисқа фурсатда шаҳар ҳокимлиги томонидан капитал таъмирланди ва замонавий тус олди.

Шаҳар ҳокими Шукурулла Маҳмудов, вилоят Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Тўлқин Арипов янги уйга кўчиб кирган оилаларни табриклашди.

– Бизларга берилаётган эътиборга жавобан халқимизга янада садоқат билан хизмат қилишимиз керак, – дейди янги хонадон соҳиби Фарҳод Эшбоев.

* * *

Чирчиқ шаҳрида ҳам 9 та 5 қаватли уй хонадонлари ҳарбий хизматчиларга тантанали равишда топширилди.

Ўз мухбиримиз

Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

ТАБИИЙ ДАРМОНДОРИЛАР

Ташқарида қиш чилласи бўлсада, Пискент бозорларида тўкинлик: сархил мева-сабзавотлар, янги узилган барра кўкатлар пештахталарни тўлдирган.

Томорқа — хазина

Албатта, бу ҳолат юртдошларимиз учун янгилик эмас, чунки азалдан миришкор деҳқонларимиз тўқсон кун қишда ҳам ерни бўш қолдиришмаган. Совуққа чидамли сабзи, лавлаги, пиёз, кашнич, шовул, исмалоқ каби экинлар экиб, "илик узилди" – эрта кўкламда эл дастурхонига тортиқ қилиб келганлар.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати хабарида айтилишича, туман аҳолисининг эртаки сабзавот ва кўкатларга бўлган талабини қондириш мақсадида асосий экинлардан бўшаган жами 723,8 гектар ер майдонида тўқсонбости экинлар етиштириш режалаштирилган. Шундан 98,2 гектарга кўк пиёз, 172,8 гектарга турли кўкатлар, 15 гектарга саримсоқпиёз, 31,68 гектарга карам экилди.

– Туманимизда шахсий томорқасининг ҳар қаричидан унумли фойда олаётган ишбилармонлар сафи кенгаймоқда, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ҳакимжон Муродов.

Дарҳақиқат, шу кунларда "Бирлик" маҳалласида яшовчи Б. Ҳамиджонов, А. Маҳмудов, Б. Ҳасанбоев, М. Мирсоатова хонадонида бўлган киши баҳор нафасини туяди. Иссиқхоналарда етиштирилган лимон, турли сабзавот ва кўкатлар ташқаридаги аёзни писанд қилмай баравж ривожланмоқда.

ҚАРОР БИЛАН НАТИЖАГА ЭРИШИШ МУМКИНМИ?

Яқинда ижтимоий тармоқларда самарқандлик янги келинкуёвлар дабдабали тўйлари учун олинган қарзларни узиш мақсадида Россияга ишлагани кетиб, у ерда ажрашиб кетишгани ҳақида ўқидим. Ҳақиқатан ҳам бугун бир кунлик орзу-ҳавасни деб, бўйнигача қарзга ботаётганлар кўп. Ачинарлиси, баъзи хонадонларга тўй бахт эмас, бахтсизлик олиб келмоқда.

Яна тўйлар ҳақида...

Ана шундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашининг "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш борасида вилоятимиз маҳаллаларида қандай чора-тадбирлар олиб борилмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Барно Ҳамидова билан суҳбатлашдик.

– Сўнгги пайтларда тўйларда дабдабабозликка берилиш ҳаддан ташқари кучайиб кетаётганди. Қарор билан кутилган натижага эришиш мумкинми?

– Дарҳақиқат, кейинги йилларда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шуҳратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар жуда кучайиб кетди. Бу такаббурликдан бошқа нарса эмас. Қаердаки, исрофгарчиликка йўл қўйилса, хонадон соҳиблари моддий ва руҳан эзилади, қудалар бир-бирини тушунмайди, ортиқча гап-сўзлар кўпаяди. Турли келишмовчиликлар оқибатида оилалар дарз кетади.

Сир эмас, шу кунларда ҳам сохта обрў орттириш мақсадида "маҳаллада дув-дув гап" бўладиган тўй қилиш учун кимлардир чет элларда сарсон юрибди, кимлардир катта қарзга ботиб, ундан қутулиш мақсадида хорижга ишлаш учун чиқиб кетаяпти.

Бугун қизларимиз куёв уйига беҳисоб сарпо, қимматбаҳо мебеллар билан кириб бормоқда, элдан кам қилинган ҳолатларда бечора келин, унинг ота-онаси мулзам бўлиб, оилага, томонлар муносабатларига совуқчилик тушмоқда. Катта-катта ваъдалар билан қизни ўз никоҳига олган йигитлар моддий бойликлар учун кечадиган қайнона-келин низоларида рафиқасини ҳимоя қилмаяпти.

Тан олиш керак, дабдабабозлик, асосан, аёлларимиз ташаббуси билан бўлиб, ортиқча тадбирлар улар томонидан ўйлаб топилмоқда. Афсуски, аёлларимиз онгига тўйлар, оилавий тантаналарда қиз томондан сарф-харажат қанчалик юқори бўлса, қайнона-келин муносабатлари шунчалик яхши бўлади, деган нотўғри тасаввур ўрнашиб қолган.

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг тобора авж олиши кўплаб оилаларнинг ижтимоий аҳволига, хотиржамлигига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Буларга чек қўйиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш мақсадида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни қатъий тартибга солишни даврнинг ўзи тақозо этаётганди. Шу маънода, юқоридаги қарор ўз вақтида қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши, салбий иллатнинг илдиз ёйишига тўсиқ бўлади.

Шунингдек, тўйларда санъаткорлар ўз хизматларини кўрсатиш давомида миллий менталитетимиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизга мос келмайдиган, "оммавий маданият" иллатларини тарғиб қиладиган ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатларни урчитиб юборишганди. Ушбу қарор билан уларнинг сони ҳам чекланди.

– Қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва аҳоли орасида тарғиботини кучайтиришда маҳалланинг зиммасига катта масъулият юкланган. Бу борада вилоятимиз маҳаллаларида шу кунгача қандай ишлар амалга оширилди?

– Мазкур қарор жорий йилнинг биринчи январидан кучга кирган бўлсада, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга анча олдин киришганмиз. Барча маҳалла раислари ва котибларини йиғиб, уларга керакли тавсия ва кўникмаларни бердик.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссия таркибини кўпни кўрган, обрўэътиборга эга, касбий ва маънавий салоҳияти юқори бўлган, фаол, фидойи, ташаббускор кишилар билан тўлдиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда қарорда белгиланган тартибларни аҳолига атрофлича тушунтириш мақсадида учрашувлар ташкил этилди. Унга нуронийлар, хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вакиллари ҳам жалб этилди. Кўплаб оилалар ҳамда тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, тўй ва бошқа маросимларни бевосита маҳалла билан келишган ҳолда ўтказиш лозимлиги тушунтирилди. Бундай тарғибот тадбирлари барча маҳаллаларда уюшқоқлик билан ўтказилаяпти ва секин-аста самараси сезилаяпти. Шу кунларда одамлар тўй бошлашдан олдин, маҳалла раислари билан маслаҳатлашишмоқда. Тўй кунини белгилаш мақсадида тўйхонага келишса, тўйхона эгалари: "Маҳалла хабардорми?", деб сўрашмоқда. Демак, силжиш бор. Мазкур қарордан кўзланган мақсад кўпчиликка маъқул келмоқда.

Халқимизнинг "Маслаҳатли тўй тарқамас", деган нақли бежиз айтилмаган. Зеро, бамаслаҳат ўтказилган тўй ва маросимлар турли кўнгилсизлик ва тушунмовчиликларнинг олдини олади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Зуҳриддин РАҲМОНОВ
суҳбатлашди

МАНА ШУ ЗАМИН ЎЗИМИЗНИКИ

уни талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Ер ажратишда ўзибўларчилик, белгиланган меъёрларни четлаб ўтиш ҳолатлари билан асло муроса қилиб бўлмайди. Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон ва Бекобод туманлари ҳокимлари томонидан ҳам худди шундай ноқонуний қарорлар қабул қилинган. Айни пайтда улар атрофлича ўрганилиб, тегишли тартибда прокурор протестлари киритилган.

Ўрганишлар жараёнида жойларда 174 та ҳолатда 42 Га. ер майдони ноқонуний тарзда муомаладан чиқарилгани аниқланди.

Хусусан, Янгийўл тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими масъул мансабдорлари туманнинг "Тинчлик" массивидаги "Рихсибой Файз" фермер хўжалигидан 2016 йилда захирага қайтариб олинган 1,46 Га. ер майдонини фермер хўжаликларига бириктириб бериш чораларини кўриш ва ҳисоботларда акс эттириш ўрнига, фуқаролар томонидан эгаллаб олиниб, бу ерда биноиншоотлар қуриб, олтинга тенг ҳосилдор ерни қарийб яроқсиз ҳолга келишига шароит яратишган. Натижада, бу ерлар 10 нафар шахсга аввалдан қалбакилаштирилиб тайёрланган йиғилиш қаридан кўчирма нусхалари ва "Туябўғиз" МФЙ раиси ва бошқалар томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган сохта далолатномалар асосида туман ҳокимининг қарорлари қабул қилинишига эришилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Янгийўл тумани Ер ресурслари давлат кадастри бўлими, "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси Янгийўл тумани филиали мансабдор шахслари, "Туябўғиз" МФЙ собиқ раиси ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а" банди ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Бундай ҳолатлар Ўрта Чирчиқ туманининг "Ўртасарой", "Эйвалек", Зангиота туманидаги "Рамадон", Янгийўл туманининг "Чортоқ", "Қирсадоқ" ва "Пахта", Қибрай туманининг "Чинор" маҳаллалари ҳудудида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва тегишли ҳудудларнинг "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси масъул шахслари томонидан ҳам содир этилган.

Қайд этилган ҳолатлар юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 84-моддаси талабларига зид хатти-ҳаракатлар ҳам кузатилмоқда. Айтайлик, Тошкент туманида жойлашган Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тизимидаги "Дархон" илмий-тажриба хўжалигига қарашли ер майдони шу тариқа талон-торож қилинган.

Қолаверса, ердан фойдаланувчилар, уларга ажратилган ер участкаларидан бошқа мақсадларда фойдаланилган вазиятлар ҳам етарлича учраб турибди.

Хусусан, Тошкент туманидаги "А. Абдураҳмонов мева-узум" агрофирмаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Абдухалил мурувват агро" фермер хўжалиги раҳбари Ж. Тоҳиров фойдаланувидаги 122қ-контурдаги балл бонитети 68 бўлган 0,74 гектар суғориладиган ер майдонини фуқароларга уй-жой қуришлари учун тақсимлаб берилганини қандай изоҳлаш мумкин? Ёки асл вазифаси ерлардан тегишли ҳужжатлар асосида, мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўлган "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси Тошкент тумани филиали масъул шахслари фермер хўжалигининг суғориладиган ер майдонига Ф. Эшонкулов ва Б. Гафуровлар томонидан қурилган бино ва иншоотларга кадастр ҳужжатини расмийлаштириб беришганини қандай тушуниш мумкин?

Қибрай туманидаги "Тошкент овози" фермер хўжалиги раҳбари О. Ишназаровнинг хатти-ҳаракатларини олайлик. Бу киши "Чинор" МФЙ раиси Н. Юлдашева билан тил бириктириб, хўжалик фойдаланувида бўлган ер майдонининг 10 сотихини У. Валиевга, яна шунча қисмини Г. Валиев номига қалбаки ҳужжатлар асосида уй-жой учун расмийлаштириб бериб, ҳар бир ер участкасига нақ 80 минг АҚШ долларидан санаб олган. Бу ҳолатдан ҳам гўёки кўз юмган туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси учар ходимлари ҳеч қандай истиҳоласиз кадастр ҳужжатларини биб-бинойидек қилиб тахлаб беришган...

Кези келганда айтиш керакки, ўтказилган хатлов натижаларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари, албатта, кўрилмоқда. Жумладан, 718 та ҳолатда ўзбошимчалик билан эгалланган 210 Га. ер майдони қайтарилди ва 232 Га. ер майдонига қурилган 1 минг 595 та қурилма бартараф этилди, 78 Га. ер майдонидаги 1 минг 24 та ноқонуний қурилишларни бузди-риб ташлаш ҳақида судларга даъво аризалари киритилди.

Ҳокимларнинг 61 та ноқонуний қарори туман прокурорларининг протестига асосан бекор қилиниб, 158 Га. ер захирага олинди. 81 та қишлоқ хўжалиги корхонаси билан ер бўйича ижара шартномалари тузилиши таъминланди. Захирада турган 666 Га. ер майдонлари 12 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига бириктириб берилди. Самарасиз фойдаланиб келинган 108 Га. майдон захирага қайтарилди.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан туман ва шаҳар прокурорлари томонидан ҳолатларни бартараф этишга қаратилган 75 та тақдимнома киритилди. Туман ҳокимларининг ноқонуний қарорларига нисбатан 88 та протест келтирилди. Қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида 277 нафар шахсга огоҳлантирув эълон қилинди. 60 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, қўпол қонунбузилишлар юзасидан 16 та жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, келгусида ҳам яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, ноқонуний қурилиш қилиш ва ҳамда ерлардан қонунга зид фойдаланганлик ҳолатлари бўйича, қатъий чоралар кўрилиб, жазо муқаррарлиги таъминланади. Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш зиммамиздаги энг устувор вазифадир.

Салом САМАДОВ,
Тошкент вилояти прокурори

Бошланиши 1-бетда

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ВИЛОЯТИМИЗГА ЕТИБ КЕЛДИ

Хабарингиз бор, куни кеча Тошкентдаги "Миллий" стадиондан спорт жиҳозлари ва инвентарлар ортилган автокарвонларни мамлакатимиз ҳудудларига кузатиш маросими бўлиб ўтган эди.

Уларнинг бир қисми Тошкент вилоятига ҳам етиб келди, деб хабар бермоқда вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати. Автокарвонга юкланган спорт жиҳозлари Сенат раиси Танзила Норбоева бошчилигида вилоят Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Комил Адиловга топширилди.

– Сир эмаски, бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда, – деди Танзила Норбоева. – Жумладан, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши бевосита жисмоний тарбия ва спортга қаратилгани замирида ҳам катта маъно мужассам. Ажабмаски, бугун совға олаётган ёшлар орасидан келгусида номдор спортчилар, жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиқса.

Дарвоқе, спорт жиҳозлари, инвентарлар ва кийимлар вилоятдаги барча болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига тарқатилади.

САЛОМАТЛИК САРИ ГЎЗАЛЛИК

Бўкалик тадбиркор аёл Назокат Акмалова ташаббуси билан туман Маданият ва аҳоли дам олиш марказидаги спорт клуби қошида аёллар учун спорт-соғломлаштириш маркази ҳам иш бошлади.

Янги марказ

Мажмуада хотин-қизларнинг руҳан тетик ва жисмонан соғлом бўлишини таъминлашга қаратилган сервис хизматлари кўрсатиш имконияти яратилган.

– Саломатлик – энг катта бойликдир,– дейди марказ раҳбари. – Марказимизда фитнес, тўғри овқатланиш режаси бўйича тавсиялар, тренажёр зали, массаж, бадиий гимнастика тўгараклари фаолият кўрсатади. Аёллар куннинг исталган пайтида, уй юмушларидан бўшаб, шуғуллана олишлари учун узлуксиз машғулотлар жадвали тузилган. Мақсадимиз хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аёлларнинг саломатлик борасидаги муаммоларини ечишига кўмаклашишдир.

Марказда бир пайтнинг ўзида 30-40 нафар хотин-қиз соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланиши мумкин.

– Нафақага чиқиб, бир оз дам олгач, анча зерикиб қолдим, – дейди клуб аъзоси Раъно Тошматова. – Ўзимни анча ҳорғин ҳис қилиб, кайфиятим тушкун ҳолатда эди. Ёзда уч ой спорт клубидаги машғулотларга қатнадим. Ҳозир ўзимни анча тетик, бардам сезаяпман. Аёллар учун махсус марказ ташкил этилгани жуда яхши иш бўлди. Энди дугоналарим билан шу марказга қатнаяпмиз.

Бўка тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати



Ўқиладиган қайдлар

Ўйинчи

Қанча қистирсангиз ҳам ашула айтгичга элтиб топширади. Чунки унинг "ставка"си бор. Бўлибам жуда арзон. Ўшани олади.

Ашула айтгичга ўйинчи керак эмас, аслида. Унинг хизмати керак. Лекин, ўйинчи ўйнагани ўйнаган. Кун кўришнинг бошқа йўлини билмайди бечора. Қўлидан, қошкўзидан, белидан, оёғидан келгани шу.

Асса, ўйинчи, асса!

Ўзингни эҳтиёт қил, эртага сенга бир гап бўлса, ашула айтгичга ўйинчи кўп...

Менга маънавиятдан гапирманг

Маънавият... Масалан, менга маънавият ҳақида гапириш бефойда.Чунки, докторга навбатсиз киргим келади. Битта мени ўтказворишса зарари йўкку, тўғрими?

Кўчага "баклажка" улоқтираман. Битта менинг чиқиндим экологияни бузмас...

Уй-жойим бор. Янгисига эҳтиёжим йўқ. Лекин, имтиёзли уйлардан битта бўлса қанийди. Шунинг "муомаласи"ни қилсам, битта менинг пора берганим коррупцияни авж олдирмас...

Бугун оғир кун бўлди. Транспортга чиқаману бўш ўриндиққа ўтириб кўзимни юмаман. Бир марта ҳомиладор аёлга жой бермасам осмон узилиб ерга тушмас. Менам одамманку.

Менга маънавият ҳақида гапириш бефойда! Менга маданияттдан гапиринг, маданиятдан.

Юзинг қийшиқ бўлса...

– Алло, сизлардан телефон харид қилганидим, экранида қандайдир махлуқ кўринаяпти...

– Олд камерани ўчиринг...

Ўзбекча номлаш

Янги чиқаётган машиналар сўзлашувда тахминан шундай аталади:

Equinox – Экинох
Trailblazer -Тилбизир
Traverse – Туравиз
Tahoe – Таҳо

"Қовун"

Кутсам, қовун тушадиган эмас. Ўзим тушираман. Уйқуни пуллик қилиш керак. Биз жуда кўп ухлаяпмиз.

Ҳамза ҲАЁТЗОДА

МАТБАА КОРХОНАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Тошкент вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги "Оммавий ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва уни кенг тарғиб қилишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Хабарингиз борми?

Учрашувда вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ходимлари, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Давра суҳбатида мазкур бошқарма бошлиғи Зарифа Эралиева сўз олиб, қарордан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ҳамда ноширлик фаолиятини лицензиялаш фақат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилиши йўлга қўйилиши ҳақида тушунча берди.

Мисол учун, Тошкент вилоятида фаолият олиб борувчи юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказмоқчи бўлса бевосита Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармасига мурожаат қилмасдан ўзи жойлашган туманнинг давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилади.

Унинг аризаси давлат хизматлари маркази орқали Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармасига юборилгандан сўнг кўриб чиқилади ва натижаси бўйича жавоб юборилади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳам давлат хизматлари маркази томонидан берилади.

Учрашувда болалар адабиётлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган маҳсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётларга лицензия берилганлик учун белгиланган тартибда тўланиши лозим бўлган давлат божи имтиёзлари тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Ҳазил-пазили йўқ

«ЧИВИНШЎРВА»НИНГ ДАВОСИ

Бу воқеани таниқли бастакор дўстим Мусахон Нурматов сўзлаб берганди.

Бир маъракада машҳур санъаткор, устоз Таваккал Қодиров ёру биродарлари, мухлису муҳиблари қуршовида даврани кенг олиб, чақчақлашиб ўтирган экан, шогирдларидан бири асабий, ёқатажанг келиб қолибди. Салом-аликдан кейин шогирд йиғлагудек бўлиб:

– Устоз, овозим чиқмай қолди, тўйларда ашула айтолмаяпман, авж пардаларни кўтаролмаяпман, ўнчамунча билганлар устимдан кулишвораяпти, айтинг, нима қилай, шарманда бўлдим, ёрдам бермасангиз бўлмайди, мени бу дарддан, бу балодан қутқаринг, устоз, – дебди.

Таваккал ака шогирдининг бу ҳолатини аввалдан билиб, то ўзи ёрилмагунча индамай юрганми, кулиб бир қараб қўйибди-да, дастурхон атрофида уймаланшиб юрган чивинлардан икки-учтасини шартта ушлаб, ярми ичилмаган шўрва турган экан, чивинларни шўрвага ташлабди.

– Ма, ич буни шифо бўлади, – дебди.

– Ие, устоз чивин ҳам шифо бўлар эканми, бунақасини ҳеч эшитмагандим, мен буни ичолмайман, – дебди шогирд.

– Ичасан, – дебди устоз.

– Жон устоз, буни ичолмайман. Ичиш тугул кўрибоқ кўнглим айниб кетди. Бир хўплам ичсам, қусиб юбораман, – дебди шогирд.

Шогирд нима қиларини билмай, нажот сўраб, ҳаммага бир-бир қараб чиқибди. Ҳамма жим, Таваккал аканинг амрига бўйсуниб, сукутда турган эмиш.

Шогирд кўзини юмиб, учта чивин ғимирлаб турган шўрвани шартта кўтариб, ичиб юборибди. Ичибдию бўш косани дастурхонга қўйганча кўчага отилибди. Ҳангу-манг турган жамоа шогирд то кўчадан қайтмагунча "чурқ" этмабди.

Бир оздан сўнг шогирд ранги бўзариб, титраб-қақшаб қайтиб келибди.

– Устоз, айтдимку ичолмайман, деб. Ҳарчанд ўзимни тутишга уринсам ҳам тўхтатолмадим, ичганимнинг ҳаммасини қайт қилиб ташладим, минг бор узр, устоз, – дебди шогирд қўрқа-писа.

Шунда Таваккал ака:

– Бор, энди бориб ашулангни айтавер, овозинг жойига келди, энди дўрилламайсан ҳам, хирилламайсан ҳам, – дебди.

Шогирд, уйига келиб, ашула айтса, ё қудратингдан, овози жаранглаб чиқаётган эмиш. Ноласи паст пардада ҳам, авж пардада ҳам бирдай ёқимли экан.

Шогирд устознинг мўъжизавий шифосидан ҳайратга тушибди. Миннатдорчилик билдириш ниятида, устознинг уйига йўл олибди. Ширин-шакар сўзлар айтиб, устознинг кўнглини овлабдида: "Кўрсатган кароматингизнинг сири нимада, қўллаган тадбирингизни нима ҳикмати бор?" – деб сўрабди.

Таваккал ака меҳрибонлик ва дилкашлик билан жилмайиб:

– Сенинг мана бу қўқрагингда кибр балоси, манманлик иллати, катта кетиш ғурури тўпланиб қолган эди. Сен ўша шўрвани ичиб, қайт қилиб ташлаганингда, ўша иллатлар бадданингдан чиқиб кетди. Мана шу иллатлар сенинг овозингни бўғиб, юрагингдаги асл нолаларни чиқармаётган эди, – деган экан.

Бу воқеа шогирдга бир умрлик сабоқ бўлибди. Қачонки, ўй-хаёлида, юрагида, юриш-туришида озгина кибр пайдо бўлса, ўша воқеани эслар, чивин тушган шўрвани кўз олдига келтирар, агар юрагидан кибр кетмаса, уч-тўртта чивинни қўшиб, ўзини ўша шўрвани ичишга мажбурлар экан...

Муҳаммад ИСМОИЛ

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 18 январь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

Хусусий эълон

Тошкент политехника институти томонидан 1983 йилда Хамидуллаев Фатхулла Файзуллаевич номига берилган КВ № 822739 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти жамоаси фаол муаллифларимиздан бири, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги ҳуқуқшуноси Муҳиддин Қиёмовга волидаи муҳтарамаси **РОБИЯ ҳожи аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БОБОМНИНГ ҲАЗРАТЛАРИ

"Кел, эй Бобур..."

Жавондаги эски китоблар узра пайпасланаётган бармоқларимга бир илиқлик югуради. Биз бу илиқликни соғинч деб атаймиз. Балки қўмсашдир...

Ҳар қандай қўмсаш исёндир. Бу кечаги кунларнинг бахтиёрлиги, бугуннинг шиддати ва эртанинг мавҳумлигига қаратилган.

Шуларни ўйлаб турганимда бобомнинг хирилдоқ овозини эшитаман:

– Ҳазратим Бобурни олиб беринг.

Бобом қалин кўзойнагини тақиб ўқий кетади. Тилида тирилаётган байтлар ичра "Эй, жон" деган жумлаларни туяман. Гарчи бояги сўралган китоб Бобурники эканлигини билсам-да, уни унутиб ўқилаётган ғазал Бобурники эканлигини сезаман.

То оқ юзунг йироқ тушди,
Икки кўзим ичра оқ тушди.

Ёнимдаги кишининг бобомлигини унутаман. Бари четга чиқади: гўзаллик ҳам, поклигу диёнат ҳам. Фақат ишқ қолади.

Кейинчалик Лутфий келди, Румий, Фузулий келди. Уларни бобом "ҳазратим" деб атардилар. Ўйлардимки, бу мулойим юзли, оқсоқол, кўринишидан бобомга жуда ўхшаб кетадиган кишилар бобомнинг қадрдонлари бўлса керак. Уларнинг тиллари ширин эди. Бобом далага экадиган қовунлар, боғимиздаги анжирлар каби. Мен бу нурафшонликка чидолмасдим. Кетардим ўша ўзим ўрганган Толстойлар, Ремарклар ёнига.

Анна Каренина билан Бобур таърифлаган дилбарнинг гўзаллиги орасидаги фарқ қандай ўлчанади? Мен кунларча шу савол устида бош қотиришга ўзимни мажбурлардим. Жавондаги эски китоблар эса хушбўй сирлар беркитилган ғаладонлар каби виқор тўкиб турар, калити эса бобомнинг тилида эди гўё.

Мактабдаги қайсидир маънавий тадбир учун Ватан ҳақида шеър ёдлашим керак эди. Кутубхоначи опамиздан сўрасам у мени етаклаб китоб жавонлари сари бошлади ва Бобур куллиётини тутқазди: "Шуни ўқинг, менга жуда ёқади."

Бобурни нима қиламан? Куллиётни ўқиб бўлганман, ичида биронта Ватан деган шеъри йўқ. Бўлмаса-ку, Бобур кимга ёқмайди дейсиз?

Кутубхоначи опамизнинг қўлини қайтараман. У менга хафанок боқиб, бошқа жавондан муқовасида Мустақиллик майдонидаги лайлакларнинг расми туширилган китобни тутқазади:

– Шу китобдан истаганингизча топиб ёдлайверинг Ватан ҳақидаги шеърларни.

Нега? Недан Бобур ҳазратларининг Ватан ҳақида шеърлари йўқ? Андижон васфидаги ғазаллари бор, аммо мен камина андижонлик эмасдида.

Бола эдим, кўп нарсага, хусусан, Бобурнинг нега Ўзбекистон – Ватаним деб шеър ёзмаганлигини тушунмасдим. Тушунганимда эса Бобур бобомнинг жавонида мунғайиб турар, бобом эса менинг менлигимни овозимдангина танийдиган ҳолга келиб қолганди. Аммо... Аммо Бобур ҳамон бобомнинг тилида айланарди:

– Ҳазратимдан ўқиб беринг...

Бобомнинг кўз нурини китоблар олган эмас. Бу нурни китоблардаги ғазаллар сочган шуҳлалар хиралаштирган. Мен ҳамон шундай деб ўйлайман.

"Бобурнома"ни ўқидим. Бобурийлар тарихи, Бобур шахси ҳақидаги асарларни ўргандим. Натижада билдимки, ҳануз бола эканман. Чунки, ҳазратим ҳақида буюк инсонларнинг фикрлари менга ўта оддийдек, у турган чўққига чўққибардорлик ҳадисини олмай, чўққини менсимай чиқишга уринишаётгандек туюлаверарди.

– Бобур – йўлбарс дегани...

– У ўн икки ёшида тахтга ўтирди...

– Шайбонийхонга опасини берган...

– Ҳиндистонни гуллаб-яшнатган...

– Иброҳим Лўдийни ер тишлатган...

Тушунинг, дарсликдан дарсликка ўтиб юргувчи бу сийқа маълумотлардан шу қадар безиганманки, ҳатто баъзан Бобурни бобомнинг олдига келиб турадиган Асқар амаки бўлиб қолишини истаб қоламан. Асқар амаки Бобурдек нафис ёзолмайди, аммо яхши тарихчи, ҳам сирли, ҳам оддий одам...

Баъзан замонавий адабиётимиз деб оғиз кўпиртириладиган расмий тадбирлардан қаттиқ чарчаб келганимда беихтиёр: "Кел, эй Бобур" деб юбораман. Бу чорловни овоз чиқариб айтаманми ё ичимда – ўзим сезмайман. Фитратан Бобурга эҳтиёж сезганимни биламан, холос. Яна Лутфийга, Фузулийга, Атоий, Гадоийга...

Бобур бу ғазалида бундай демоқчи, ундай демоқчи қабилидаги қуруқ таҳлиллардан безидим. Шоир ёзаркан, бари руҳиятда кечади. Назарда тутмоқ деган атамага эса ҳожат йўқ.

Яхшики, бу дунёда Бобур бор. Йўқ, тўғрироғи сўзлар бор. Сўзлар Бобурни, Бобур нафосат оламини яратди. Бу олам ранглари оҳангларга қоришиш асносида барчаси ўзгаради. Турк шоири Абдураҳим Қоракўч ёзганидек:

Ҳар нарсанинг бир охири бор, аммо
Ишққа ҳудуд чизилмагай, Меҳрибон.

Демак, Бобурнинг дунёси Ишқ деб аталаркан. Бори шу. Мендан менга йўналган йўлда саргардон кезаётган шарпанинг истаги, сизнинг, дунёнинг эҳтиёж сезган зарурияти Ишқ эмасми?

Ишқнинг ҳар бир ҳарфига чўкиб бораётган байтлар ғавоси тарқагачгина Бобур – ҳазратим Бобур бор бўлади, мавжудлик мақомини олади.

Бобом, шукрки ёнимда. Ҳамон ўзидан эрта кетган бувимни эслаб ҳазратларининг жавондаги дафтарларини зиёрат қилиб юрибди. Унинг манзили эса доим Бобур бўлади.

Васлинг мурод эрса, айла ёд Бобурни,
Унутмагил бу номурод Бобурни...

Мирзоҳид МУЗАФФАР

Ўйлаб кўрдим!

"Тошкент ҳақиқати"нинг 15 январдаги 4-сонида "Ўйлаб кўринг!" рукни остида "Кутубхоналаримиз: Қодирийдан бугунгача" сарлавҳаси билан чоп этилган мақолани ўқидим ва ўйлаб кўрдим. Муаллиф кўтарган масала ҳақида ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимни қоғозга туширдим...

ГЎШТ ЯХШИМИ, КИТОБМИ?

Дарҳақиқат, бир мунча вақт китоб ва китобхонликка жон киргандай бўлди. Ҳа, жон кирмади, киргандай бўлди. Оғир хасталикдан кейин қувват йиғаётган бемор соғлом ҳисобланмайди ҳали. Унга бир зумда юк юклаб, "аравангни ўзинг торт", дейилмаслиги керак, аслида. Яна

ким билсин? Биз шундай қилмоқчимиз: эндигина оқ юзига қизиллик югураётан китобхонлик ва матбаа соҳасини кўксидан итараяпмиз.

Аввал, мутолаа маданиятини ривожлантириш учун турлик-турлик танловлар ўтказдик. Анвойи-анвойи совринлар қўйдик. Халқ энди юзини бурган эди, бу ёқда, телевидениеда бир ажойиб шоулар тегирмони айланиб кетди... Мутолаа шўрлик тегирмон паррагининг шамолига учиб кетди. Шунда ҳам имкон қадар китоб ўқилаётган эди. Сотилаётган эди, сотиб олинаётган эди...

Бир пайт "Ҳай одамлар, бизда кутубхона деган жойлар бор. Бир қараб қўйинг!" – деган садо келди. Икки оёғини бир этикка тиққан мутасаддилар бир қўлига китобни, иккинчи қўлига бир пой этигини ушлаб югуриб қолди. Кутубхоналар кўксига шамол тегиб, бағри тўлиб қолаёзди. Кейин иккинчи пойини кийганлар ерни қаттиқ тепди, қулоғига карнай қўйиб тинглади. Жимлик. Бор-е, деб кутутбхонага борадиган йўлни унутиб юборди...

Кейин, босма нашрлар нархини ошириш кераклиги эсга тушиб қолди. Хўш, ошди ҳам дейлик, ким сотиб олиб ўқийди? Ушласа кафт тўлмайдиган стипендия оладиган талабаларми ёки кармоннинг бурчакларида йўқолиб кетадиган маошга ишлаётганларми? Балки, топгани қоғозбозликка сарфланаётган ўқитувчилар ўқир? Бу ёқда оиласи қийналаётган одам кечирасизу, Навоийнинг янги топиб олинган асари чоп этилсаям, олмайди.

Битта китоб пулига бир кило гўшт бериб турса, халқнинг танлови қандай бўлади? Тўғри, зиёлилар ўқийди: ойлигини совурса ҳам, уй жиҳозини сотса ҳам, қарзга ботса ҳам ўқийди. Лекин қолганларчи? Фақат, зиёлилар билан комил жамият яратилмайдику?!

Китоблар қимматлаша бошласа озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, хўжалик моллари, уй-рўзғор буюмлари уларни харажатлар режасидан ҳайдаб солади. Газета-журналларнинг ҳоли не кечишини тасаввур ҳам қилолмайман...

Халқ кўнглидан китобларни ҳайдамайлик. Маълум вақт ҚҚСсиз ҳам давлат хазинаси йиқилиб қолмаган экан, яна кутса ҳеч нима қилмас. Акс ҳолда вақти келиб, текинга ҳам китоб олмайдиган авлод шаклланади. Кейин ўша ҚҚСдан олган фойдамизни янги жазо муассасалари қуришга сарфламасак эди, деган хавотиримиз йўқ эмас...

Отабек БАКИРОВ
Ангрен шаҳри

Дарвоқе

БАСИР

Деди: "Асли туғилгандан
Басир эдим мен ўзим.
Сен жодунинг тиғи билан
Очиб қўйдинг кўр кўзим.
(Эркин Воҳидов, "Руҳлар исёни")

1981 йили нашр этилган 2 томли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да басир сўзига қуйидагича изоҳ берилган:

БАСИР [асл луғавий маъноси: кўрувчи, кўрадиган] кўр, сўқир. "Ҳатто умри бўйи қорни тўймаган қашшоқ ҳам, кўзи басир тиланчи ҳам бир кун бўлсада, кўпроқ яшасам, дейди". (Суннатулло Анорбоев, Оқсой.)

Бу талқин хатодир. 1972 йили Ғафур Ғулом нашриёти томонидан чоп этилган "Навоий асарлари луғати"да басир сўзига шундай изоҳ берилган:

БАСИР арабчада кўрувчи, ўткир кўзли, ўта сезгир деган маънони англатади.

Форс-тожик ҳамда ўзбек тилларида қарама-қарши маъноли сўзларни жуфтлаштириб умумий, жамловчи маънода қўллаш хусусияти бор. Кўр сўзи ҳаммамизга маълумки, кўзи ожиз маъносини англатади. Басир эса, кўриб турганингиздек, "кўрувчи" маъносини беради. Халқларимиз "кўру басир" деб ишлатиб келган жуфт сўз, аслида, "кўрадиган ва кўрмайдиган" деган маънони билдиради.

Алишер Навоий "Фавойид ул-кибар" девонининг 293-ғазалида басир сўзини шундай қўллайди:

Қилурни айла риоят, демакда асра адаб
Ки, дўст феъ́лингу қавлингғадур басиру самеъ.

Ёки:

Мени башоратгўй дердилар султон,
Аммо менда йўқдир бунга ҳеч асос.
Аслида, басирлик, башоратгўйлик
Фақат авлиёлар тийнатига хос.
(Одил Икром, "Умар Хайём" шеъ́рий драмаси)

Аммо, "Изоҳли луғат"имизда ҳам, ҳатто Эркин Воҳидовнинг "Руҳлар исёни" достонида ҳам бу сўз тескари маънода ишлатилган. Яна кўплаб асосларни келтириш мумкин. Бироқ, ҳар бир сўзнинг яхлит маъноси бўлади. Румий айтганларидек, отангиздан мерос қолган тилла тақинчоқнинг сохталигини билганингиздан сўнг сизда уни ҳақиқийсига алмаштириш имкони пайдо бўлади. ("Ичингдаги ичиндадур"). Хатоларни ислоҳ қилиш фурсати келмадимикан?

Шоҳрўз УМАРЖОНОВ,
талаба

Спорт

ОЛДИНДА ЖИДДИЙ СИНОВЛАР КУТМОҚДА

Бекободлик таэквондочи Чарос Қаюмова Бирлашган Араб Амирликларида шу йилнинг 31 январь – 2 февраль кунлари бўлиб ўтадиган "Fujayra Open" нуфузли халқаро мусобақада иштирок этади.

Мазкур мусобақада мамлакатимиз нуфузини жами 7 та спортчи ҳимоя қилади. Улар жаҳоннинг 30 та мамлакатидан келган таэквондочилар билан беллашишади.

– Шарқ жанг санъати турлари билан анчадан бери шуғулланаман, – дейди Чарос Қаюмова. – Мунтазам машғулотлар ва мусобақалар давомида ўзимга ишончим ортди, чиниқдим. Таэквондо ВТФ ҳам жисмоний, ҳам маънавий етукликка етаклайди. Бу жанг санъатини эгаллаган инсон ўзини ҳимоя қила олади, жанг давомида оёқ ва қўлларини ҳам ҳужум, ҳам ҳимоя учун ишлатади. Бундай халқаро мусобақаларда ўрганганларимиз синовдан ўтади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси Ч. Қаюмова шу кунларда тажрибали устози, Чирчиқ шаҳар ихтисослаштирилган Олимпия захиралари мактаб-интернати мутахассиси Паҳлавон Собиров билан тинимсиз шуғулланмоқда.

Умид қиламизки, вилоятимиз вакили мусобақада муносиб қатнашади. Бекободлик спортчи қизимизга омад тилаб қоламиз.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Муаллиф олган сурат

Ҳикоя

Қалтис қарор

Кўч ортилган улов жойидан қўзғалаётганида эндигина тўрт ёшга тўлган Моҳинур ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Катталар машина ортидан хайр-хўшлашаркан, чинқириб йиғлаётган қизчага эътибор ҳам қилмадилар. Фақат онаси Дилбаргина олазарак ҳолатда қизининг у ёқ-бу ёғини силаб-сийпалади:

– Қизалоғим, нима бўлди, сени ари-пари чақиб олмадими?

Қизча кўзида жола ёш, ҳиқиллаганича улов томонга жажжи бармоқлари билан ишора қилди:

– Зиёда опачам мени ташлаб кеттила. Қайтиб келмасаканла...

– Нега ундай дейсан, овунчоғим, улар ахир қариндошлар-ку. Ака-укалар уй ҳовлиларини алмашяптилар. Ҳали кўрасан, Зиёда опачанг сени кўрганиям келиб туради. Қизчасини юпатаётиб Дилбар келиннинг кўнгли алланечук эгаси кўчиб кетган ҳовли каби ҳувиллаб қолгандек бўлди. Кўзларига ёш келди.

– Ҳа рост, аям айтганди-ку, дейсан ҳали. Опачанг сени кўргани, албатта, келади. – Дилбар кўзёшларини узун кўйлагининг этаги билан арта-арта қизчасини овутган бўлди. Моҳинур аясининг бағридан сирғалиб чикди-да енгил чанг кўтариб узоқлашаётган улов ортидан чопқиллаганича кетди...

* * *

Моҳинур ўйнайман деса, қўни-қўшниларда тенгқур қизчалар кўп, лекин у ҳаммасидан ҳам Зиёда опачасини яхши кўрарди. Оилада фақат қизлар бўлгани учун Зиёда жуда мулойим, камғал, ўзидан кичикларга меҳрибон, "Сеники эмас, меники тўғри", деб ҳуда-беҳуда можаро чиқармайди. Моҳинур иккиовлари қўлчаларидан тутганича боғдан-боққа ўтиб ўйнашади. Гоҳида опачаси иккови алоҳида меҳр билан ясаган қўлбола уйчага топган-тутган ўйинчоқларини ясатишади. Ҳатто, жажжи супача устига қийқимлардан кўрпачалар солиб қўйишади. Баъзи-баъзида Зиёда опачасининг кичик синглиси Нигорани ҳам ўзларига қўшиб олишади. Ўйнай-ўйнай чарчашгач, кичик курсичаларига ўтириб олиб, бувижонларидан эшитган эртакларини бир-бирларига бийрон-бийрон сўзлаб беришади. Орада галма-гал ашула айтишади. Жажжи Нигора эса дам опасига, дам Моҳинурга ҳавасла термилади.

Зиёданинг ҳам, Моҳинурнинг ҳам аяжонлари қизларига меҳрибон. Бир гал Зиёданинг аяси:

– Қизалоқларим, тушликка келақолинглар, озроқ дам олиб, яна ўйнайверасизлар, – дея жонҳалак бўлади.

Бу ёқда эса Моҳинурнинг аяси:

– Ёғли чалпак пиширганман-а, шакарларим, дарров дастурхонга ўтира қолингларчи, бўлмаса совуб қолади, – дея ялиниб-ёлворади.

Бу икки ҳовлидаги эрларнинг эса меҳрдан кўра зардалари кўпроқ:

– Қизларни беҳуда талтайтирма, фойдали рўзғор ишларига сол, – дея ўдағайлайди. Қизалоқлар отасининг иддаоларига парво қилмай меҳр қуршовида балқиб юрган шундай кунларнинг бирида...

* * *

Катталар баъзида болаларнинг ёзилмаган оппоқ қоғоздай беғубор кўнгиллари билан ҳисоблашмай шафқатсиз қарорлар чиқаришади. Зиёданинг бобоси Эсон чол ҳам шундай қилди. Кенжа ўғли Дилмуродга:

– Сен шаҳардаги ҳовлига кўчасан, аканг Боймурод бу ерга келади. Гап – тамом! – деди.

Ота сўзи – ҳукм, уни ҳеч ким ўзгартирмайди. Ака-укалар бу кутилмаган қарорни учиб-қўниб, хурсандчилик билан қарши олмаган бўлсалар ҳам, ноилож ҳовли-жойни алмаштиришга рози бўлишди. Болалардан биров сўрармиди?! Томдан тараша тушгандай бу кўчманчи болалар ўзлари билмаган мактаб ҳаётига кўникишлари керак энди. Синашта бўлмаган устозлару янги синфдошларнинг назарига нишон бўлишлари аниқ. Бу ҳолат катталарга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Улар ўзларининг ҳеч адо бўлмас рўзғор юмушлари билан андармон эдилар.

Таассуфки, турмуш ташвишларидан ҳоли, ўз дунёси билан яшаётган Моҳинур билан унинг суюкли опачаси Зиёдага бу кутилмаган кўчкўрон довули уларнинг қўмсаш, соғиниш деган кўнгил эшикларини ланг очиб юборганди. Қизалоқлар аввал бир-бирларини қўмсай бошлади. Сўнг вақт ўтиб ичика кетишди. Айниқса, Моҳинур кун бўйи аримаган баҳона билан хархаша қилиб йиғлайдиган одат чиқарди. Иккала кўзи Зиёда опачаси яшаб кетган уйда бўлди...

* * *

Моҳинур эрта тонгда аяси билан бир вақтда туради. Юзини ува солиб Зиёда опачасининг уйи томон чопқиллаб кетади. Дарвозага яқинлашгач ичкарига кўз тикади. Ҳозир унинг учун бу уйда ўзига мутлақо бегона бўлган одамлар яшаётганининг аҳамияти йўқ. Ҳали замон шу уйдан Зиёда опачаси чопқиллаб унга пешвоз келаётгандек бўлиб туюлаверади. Аммо, бу ҳаракат сароб эканлигини ёш қизча билмайди, билишнида истамайди. Тўғрироғи, инжиқ кўнглининг измидан чиқа олмайди.

Моҳинур бир тонг аясидан ҳам эрта уйғонди. Аллақандай туш таъсирида қўрқувдан кичик юраги бесаранжом ура бошлади. Унинг йиғлаётганини ҳам, кулаётганини ҳам билиб бўлмасди. Қизча уйдан айвонга чиқаётганида аяжониси бағрига босганича сўроқлади:

– Қизалоғим, ёмон туш кўрдингми, тўхта, қаёққа кетаяпсан? Мен ёнингдаманку, жоним.

Қизалоқ аясидан осонгина узоқлашди. Бир вақтлар Зиёда опачаси билан эринмай пойдеворга текизиб солган уйчалар томон ялангоёқ чопқиллаганича кетди. Етиб боргач, бирдан йиғлаб юборди. Янги кўчиб келган қўшни томонидан уй атрофини тозалаш баҳонасида қўлбола уйча, супачалар кетмон билан суриб ташланганди. Бу ҳолатга кўзи тушган Моҳинур...

Бир зумда қўшни аёллар қизча атрофига тўпландилар. Нима гап, дегандай бир-бирларига имо қилиб қарашди. Моҳинур аясига тирмашганча йиғлади:

– Бу одамлар ёмонакан. Зиёда опачамни жўнатиб юборишди. Энди иккимиз қурган уйчамизни ҳам бузиб ташлашибди. Ана энди уйча ҳам, супача ҳам йўқ...

Кўчиб келган янги қўшни аёл бу кутилмаган йиғи сабабини англади, шекилли, хандон отиб кулди. Сўнг изоҳ берган бўлди:

– Кеча шом пайти Даврон ўғлимга уй атрофи тўзиб, латта-путта йиғилиб кетибди. Кетмон билан текислаб ташла, дегандим. Шунгаям ота гўри қозихонами?! Бу йиғи нимаси? Сенга қанча уйча керак, мана, акаларинг қуриб берадия, қоқиндиқ...

Шундан сўнг қўшнилар жимгина уй-уйларига тарқалишди. Моҳинур ариқча лабида ётган узун қизил қийқимни олди. Қўлчалари билан авайлаб силади. Аясига астойдил ёлворган оҳангда деди:

– Бу Зиёда опачамнинг меҳмонларга аталган қизил гулли кўрпачаси. Кўргани борганимизда ўзим билан бирга олиб бораман-а.

Дилбар келин тасдиқ ишорасини қилиб, бош ирғади. Аммо, шу тобда бўғзига тиқилган аллақандай нарса бутун вужудини оташ бўлиб куйдираётганди.

Собиржон ИНОМОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Комилжон МАМАДКАРИМОВ

Буюртма Г-143. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 10 385 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 2 3 4 5 6